

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВА НИЛУФАР АБДУМАНОПОВНА**

**ПАРАТОНЗИЛЛЯР АБСЦЕССИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА  
СОРБЦИОН ВА АНТИОКСИДАНТ ТЕРАПИЯ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН– 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Усманова Нилуфар Абдуманноповна**

Паратонзилляр абсцессни комплекс даволашда сорбцион ва антиоксидант терапия..... 3

**Усманова Нилуфар Абдуманноповна**

Сорбционная и антиоксидантная терапия в комплексном лечении паратонзиллярного абсцесса..... 24

**Usmanova Nilufar Abdumannopovna**

Sorption and antioxidant therapy in complex treatment of paratonsillar abscess..... 46

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 52

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**УСМАНОВА НИЛУФАР АБДУМАНОПОВНА**

**ПАРАТОНЗИЛЛЯР АБСЦЕССИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШДА  
СОРБЦИОН ВА АНТИОКСИДАНТ ТЕРАПИЯ**

**14.00.04 – Оториноларингология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**АНДИЖОН– 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.3.PhD/Tib1203 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.adti.uz](http://www.adti.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қосимов Қобил Қосимович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Шайхова Халида Эркиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Умаров Одилжон Махмудович**  
тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Озарбайжон тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс:(+998)74-223-94-50;e-mail:info@adti.uz, Андижон давлат тиббиёт институти мажлислар зали

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.М. Мадазимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Ф. Нишанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Б.Р. Абдуллажанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сурункали яллиғланиш касалликлари орасида ЛОР патологиялари таркибида сурункали тонзиллит (СТ) ва унинг асоратлари алоҳида ўрин тутди, у бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Ушбу муаммонинг долзарблиги нафақат мазкур касалликнинг кенг тарқалганлиги ва юқори учраш даражаси билан, балки ҳаётий муҳим аъзо ва тизимларнинг жиддий асоратларини келтириб чиқарувчи маҳаллий ва умумий хусусиятли асоратлар ривожланишининг юқори хавфи билан ҳам боғлиқ. Сурункали тонзиллитнинг кўп учрайдиган ҳавфли маҳаллий асоратларига паратонзилляр абсцесс (ПТА) киради ва умумий асоратлар эса сурункали тонзиллит билан боғлиқ касалликларнинг пайдо бўлиши билан алоқадор. Ўзбекистонда барча СТ ва унинг асоратлари ЛОР-патологияларнинг 16-18 фоизини ташкил этади, шу билан бирга замонавий тиббиётнинг эришган ютуқларига қарамай, бугунги кунда ПТА ҳалқумнинг йирингли касалликлари орасида биринчи ўринни эгалламоқда ва у билан оғриган беморлар сонининг сезиларли даражада кўпайиш тенденцияси кузатилмоқда. ПТА бемор ҳаётига жиддий хавф туғдиради, чунки у организмнинг эндоген интоксикацияси ва тонзиллоген сепсис ривожланишига, бўйин флегмонаси ёки медиастинитга, йирик қон томирларининг емирилиши ва улардан қон кетишига, ҳатто ўлимга олиб келиши мумкин<sup>1</sup>.

Жаҳон амалиётида ҳозирги вақтда паратонзилляр абсцесс ривожланишининг этиопатогенетик механизмларини чуқур ўрганишга қаратилган тадқиқотлар энг долзарб ҳисобланади, жумладан микроб ассоциациялари, анаэроб флора ва оғиз-ҳалқум соҳасидаги маҳаллий иммун жавоб омилларининг ўрнини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Диагностик ёндашувларни такомиллаштириш, хусусан ультратовушли визуализация имкониятларини баҳолаш ҳамда паратонзилляр абсцесс ва паратонзилляр целлюлитни фарқлашда клиник мезонларни аниқлаш долзарб йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Даволаш усулларининг самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш – пункцион аспирация, кесиб очиш ва дренажлаш, шунингдек рецидивларни олдини олиш ва госпитализация муддатларини қисқартириш нуктаи назаридан ўткир даврда тонзиллэктомия ўтказиш имкониятлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш мақсадида амалий тадбирлар амалга оширилмоқда. Касалликларни самарали даволаш, жумладан оториноларингологик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш бўйича турли изланишлар олиб борилмоқда. Шунга кўра «...аҳолига кўрсатилаётган оториноларингологик тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифатини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини

---

<sup>1</sup> Крюков А.И., Пальчун В.Т., Гуров А.В., Дубовая Т.К., Ермолаев А.Г., Мурзаханова З.В. Сравнительная характеристика вариантов консервативной терапии хронического тонзиллита токсико-аллергической формы I степени. Медицинский совет. 2021;(4):265–272.

шакллантириш, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда аҳоли орасида паратонзилляр абсцесс бўлган беморларни даволашни самарали усулларини қўллаш ва тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологиялардан фойдаланиб ушбу касалликни камайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 августдаги ПҚ-255-сон «Оториноларингология хизматини такомиллаштириш ва унинг кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2021 йил 26 июлдаги ПҚ-5198-сон «Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Паратонзилляр абсцесс 70-80% ҳолларда ёш ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги (19-38 ёш) одамларда учрайди, 50 ёшдан ошганларда эа камроқ намоён бўлади. Бир қатор мамлакатларда, масалан, Швецияда паратонзилляр абсцесс билан касалланиш даражаси 100 000 аҳолига 19 тадан 37 гача ҳолат кузатилган. Паратонзилляр абсцесснинг учраш частотаси Беларусь Республикасида 30 та, Данияда 36 та, Лондонда 10 дан 37 гача, АҚШда эса 100 000 аҳолига 30,1 та, бу йилига 45 000 та ҳолатни ташкил этади. Европада паратонзилляр абсцессининг умумий касалланиши йилига 100 минг кишига 30 та ҳолатни ташкил қилган (Алещик И. Ч., Комар В. Д., 2019; Извин А. И., Сергеева С. Г., 2022, Ревако Д. А., 2022, Galimoto N. J., 2017, Portillo-Medina A. et al., 2024). Аксарият муаллифлар касалликнинг мавсумийлигини таъкидлашади: паратонзиллит кўпинча кеч кузда ва эрта баҳорда кузатилади. Кўпинча (59% ҳолларда) паратонзилляр абсцесс эркакларда ва 81% ҳолларда шаҳар аҳолиси орасида аниқланади. Шу билан бирга, эркакларда чап томонлама зарарланиш кўпроқ, ўнг томонлама зарарланиш эса аёлларда кўпроқ кузатилади (Варламов Р. К., 2017). Бодомсимон безлар яллиғланишининг ўзига хос жиҳатларидан бири тананинг антиоксидант ҳимоясини сусайиши негизда липидлар пероксидацияси (ЛПО) жараёнларини фаоллашуви кузатилади. Бошланғич этиологик омилнинг табиати қандай бўлишидан қатъий назар, халқумда яллиғланиш

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 1 августдаги «Оториноларингологик хизматни эгаллашни кенгайтириш ва такомиллаштириш бўйича чоралар тўғрисида»ги ПҚ-255-сон Қарори.

реакцияси юзага келганда, сабабчи ҳодисалар занжири муқаррар равишда бактериал инфекциянинг қўшилишига олиб келади. Микроб ферментлари ва токсинларини, шунингдек, бодомсимон безларнинг яллиғланган тўқималарининг метабولىк бузилишлари маҳсулотларини сўрилиши натижасида организмнинг иммунологик заҳираларининг камайишига олиб келадиган эндоген интоксикация (ЭИ) ривожланади (Perdana R. F., Rosalina E., 2023).

Паратонзилляр абсцессни даволашда учта асосий йўналиш мавжуд - консерватив, жарроҳлик ва комплекс даво. Даволашнинг жарроҳлик усуллари паллиатив ва радикал турларга бўлинади. Паллиатив даволашга паратонзилляр абсцесснинг пункцияси ва ёки абсцессни очиш киради (Бойко Н. В., Ким А. С., 2019, Mamatova T. S., Makhamadaliyev E.Y., Tukhtapulatov A.B., 2020, Makhamadaliyev E.Y., Arifov S.S., 2019). Паратонзилляр абсцессни даволашда кўплаб муаллифлар тонзиллэктомиyani асосий даволаш тактикаси сифатида тавсия қиладилар (Klug T. E. et al., 2024). Бошқалар яллиғланиш ривожланишининг дастлабки босқичларида паратонзилляр тўқимани очишни тавсия қиладилар (Кузнецова Н. Е., Вешкурцева И. М., 2023., Saiki T. et al., 2024). Паратонзилляр абсцессни даволаш жараёнида тонзиллэктомиyani ўтказиш вақти ҳақидаги масала ҳозирги кунда ҳам баҳсли ҳисобланади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, касалликнинг “ўткир”, яъни қайноқ босқичида абсцесс- тонзиллэктомиyani амалга ошириш мақсадга мувофиқдир (Вано А. М., Karagam K., 2016). Бироқ, бошқа муаллифлар паратонзилляр абсцесс бўшлиғини очиш ва дренажлашдан сўнг ташрих ўтказишни афзал кўришади (Извин А. И., Сергеева С. Г., 2022). Шу билан бирга, паратонзилляр абсцесс билан касалланган беморларни даволашнинг радикал усул тарафдорлари орасида бир томонлама абсцессларда бир ёки икки томонлама тонзиллэктомиya ташрихи масаласи узоқ вақт давомида муҳокама қилинмоқда. Бодомсимон безларнинг хирургик йўл билан олиб ташланиши фақат уларда қайтариб бўлмайдиган патологик ўзгаришлар кузатилиб, табиий барьер (ҳимоя) функцияси тўлиқ йўқолган ҳоллардагина амалга оширилиши мумкин. Агар бодомсимон безлар ўз реактивлигини сақлаб қолган бўлса, тонзиллэктомиyani фақат мутлақ клиник кўрсатмалар мавжуд бўлган ҳолларда бажариш тавсия этилади (Варламов Р. К., 2017). Комплекс даволаш чораларига қарамай, паратонзилляр абсцесс 7,6 дан 15,9% гача қайталанишга мойил ҳисобланади (Алещик И. Ч., Комар В. Д., 2019, Galieto N. J., 2017, Klug T. E. et al., 2024).

Шундай қилиб, мамлакатимизда ҳам, хорижий адабиётларда ҳам ушбу мавзу бўйича етарлича илмий нашрлар мавжуд бўлишига қарамасдан, паратонзилляр абсцессни даволаш тактикасига оид масала ҳанузгача долзарблигини сақлаб келмоқда. Илмий манбаларда баён этилган турли хил терапевтик усуллар ва уларнинг модификациялари бу соҳада бир хил ёндашув ёки ягона консенсуснинг мавжуд эмаслигини кўрсатади. Бу эса, ўз навбатида, касаллик патогенезини чуқур ўрганган ҳолда янги ва самарали даволаш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда мавжуд методларни такомиллаштириш зарурлигини белгилаб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Андижон давлаттиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Юқори нафас йўллари ва кулоқ касалликларини олдини олиш, ташхислаш ва даволашнинг илғор технологияларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2025 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** сорбцион ва антиоксидант терапияни биргаликда қўллаш орқали паратонзилляр абсцесс билан касалланган беморларни комплекс даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

паратонзилляр абсцесснинг учраш ва қайталаниш частотасини, асоратлар табиатини ва клиник кечиш хусусиятларини ўрганиш;

паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда эндоген интоксикация даражасини, липопероксидация маҳсулотлари концентрациясини ва антиоксидант ҳимоя фаоллигини баҳолаш;

паратонзилляр абсцессли беморларда сорбцион ва антиоксидант терапия усулини ишлаб чиқиш ва қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини патогенетик асослаш;

паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда ишлаб чиқилган даволаш усулининг клиник самарадорлигини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2021-2024 йиллар давомида Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг оториноларингология бўлимида паратонзилляр абсцесс ташхиси билан даволанган 165 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** паратонзилляр абсцессни комплекс даволашда касалликнинг учраш частотаси, сабаблари, клиник кечиш хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек ишлаб чиқилган даволаш усули натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, оториноларингологик, лаборатор, микробиологик, бактериологик, функционал ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгиллиги** қуйидагилардан иборат:

паратонзилляр абсцесс турли ёш гуруҳларида турлича учраб, кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшда (18-59 ёш) учраши, ҳамда аксарият ҳолларда икки томонлама тарқалиб, супратонзилляр, яъни олдинги-юқори қисмида жойлашиши, беморлар паратонзилляр абсцесснинг абсцесслашган (82%) ва инфильтрация (11%) босқичида мурожаат қилиши ҳамда кўпинча тонзиллоген (91%) сабабли келиб чиқиши аниқланган;

паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда грамм-мусбат микрофлора: *Streptococcus viridans* – 31%, *Staphylococcus epidermidis* – 23%, *Staphylococcus aureus* – 16%, *Streptococcus pyogenes* - 12%, *Klebsiella pneumoniae*, *Candida albicans* ва бошқалар нисбатан кам ҳолатларда учраши аниқланган;

паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда қондаги эндотоксикоз даражаси интоксикациянинг лейкоцитар индексининг ортиши, ўрта молекуляр

пептидлар ҳамда малон диальдегиди ва диен конъюгатлари каби липопероксидация маҳсулотлари концентрациясининг ошиши, каталаза ва супероксиддисмутаза антиоксидант тизими ферментлари фаоллигининг пасайиши ( $p > 0,01$ ) билан тавсифланиши исботланган;

паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларни комплекс даволашда антиоксидант фаолликка эга дори воситалари ва энтеросорбентни қўллаш қоннинг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрланиши тезлашишига олиб келгани ҳолда клиник жиҳатдан тезроқ соғайишга ҳамда даволаш самарадорлигини 20,5% оширишга имкон бериши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларни даволаш бўйича чоратадбирлар мажмуасида маҳаллий сорбцион санація билан энтерал сорбция ва антиоксидант терапия организмнинг антиоксидант ҳимоясини фаоллаштириш билан қондаги эндоген интоксикация ва липопероксидация маҳсулотлари даражасини самарали пасайтириш, касалликнинг қайталаниш частотасини, маҳаллий ва умумий асоратлар сонини камайтириш имконини бериши аниқланган;

ишлаб чиқилган даволаш усули детоксикацион таъсирнинг яққол ифодаланган тизимли клиник самарасини кўрсатиш ва антиоксидант ҳимоянинг функционал ҳолатини тиклаш имконини бериши, паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда йирингли ўчоқларни санація қилишнинг самарали усули бўлиб, клиник амалиётда кенг қўллаш учун тавсия этилиши мумкинлиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг аҳволини баҳолаш учун объектив мезонлардан фойдаланилганлиги, лаборатория ва инструментал диагностиканинг замонавий усуллари ва услубий ёндашувларни тўғри қўлланилганлиги билан асосланади. Статистик таҳлиллар олинган натижаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган тадқиқот натижалари назарий аҳамиятга эга бўлиб, анъанавий даволаш чоратадбирларини оптималлаштиришга сезиларли ҳисса қўшган ҳолда, паратонзилляр абсцессда патологик жараён ривожланишининг барча босқичларида эндотоксикоз ва пероксидация синдромини меъёрлашишига таъсир этувчи умумий қонуниятларни акс эттириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган даволаш усули эндотоксикоз ва липопероксидация жараёнларини, антиоксидант ҳимоянинг функционал бузилишларини коррекциялаш бўйича тизимли клиник самарани таъминлаши, бу эса организмда полиорган дисфункция ривожланиш хавфини ва касалликнинг қайталаниш частотасини камайтириши, айниқса ёндош юрак-ўпка патологияси мавжуд беморларда, бошқа детоксикация усулларининг қўлланилиши чекланган ҳолларда алоҳида аҳамиятга эга эканлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Паратонзилляр абсцесс билан касалланган беморларни комплекс даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: паратонзилляр абсцесс турли ёш гуруҳларида турлича учраб, кўпинча меҳнатга лаёқатли ёшда (18-59 ёш) учраши, ҳамда аксарият ҳолларда икки томонлама тарқалиб, супратонзилляр, яъни олдинги-юқори қисмида жойлашиши, беморлар паратонзилляр абсцесснинг абсцесслашган (82%) ва инфильтрация (11%) босқичида мурожаат қилиши ҳамда кўпинча тонзиллоген (91%) сабабли келиб чиқиши аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралдаги б1-14/у-сон билан тасдиқланган “Паратонзилляр абсцессни комплекс диагностикасини оптималлаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош бўйин касалликлари илмий амалий тиббиёт марказининг 28 мартдаги 28-сонли буйруғи ва Андижон шаҳар “Холис” хусусий тиббиёт марказининг 2025 йил 27 мартдаги 105-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 25-мартдаги 54-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15-августдаги 23/06-сонли хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: Паратонзилляр абсцессни тарқалиши частотасини ва ўзига хос кечишини аниқлаш комплекс таххислаш самарадорлигини ошириш ҳамда даволаш усулини тўғри танлаш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: паратонзилляр абсцесс бўлган беморларни таххислашда касалликни ўзига хос кечишини таххил қилиш беморларда ўрта ҳисобда 227000 сўм иқтисод қилиш имкони берди, агар 1 йилда ўртача 70 нафар бемор ушбу касаллик билан мурожаат қилишини инобатга олсак, умумий йиллик 15890000 сўм иқтисод қилиш имконини беради. Хулоса: паратонзилляр абсцесс бўлган беморларда касалликни тарқалиши ва ўзига хос кечишини инобатга олиш комплекс таххислаш ва даволаш самарадорлигини оширади.

иккинчи илмий янгилик: паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда грамм-мусбат микрофлора: *Streptococcus viridans* – 31%, *Staphylococcus epidermidis* – 23%, *Staphylococcus aureus* – 16%, *Streptococcus pyogenes* - 12%, *Klebsiella pneumoniae*, *Candida albicans* ва бошқалар нисбатан кам ҳолатларда учраши аниқланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралдаги б1-14/у-сон билан тасдиқланган “Паратонзилляр абсцессни комплекс диагностикасини оптималлаштириш” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош бўйин касалликлари илмий амалий тиббиёт марказининг 28 мартдаги 28-сонли буйруғи ва Андижон шаҳар “Холис” хусусий тиббиёт марказининг 2025 йил 27 мартдаги 105-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 25-мартдаги 54-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15-августдаги 23/06-сонли хулосаси). Илмий

янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: паратонзилляр абсцесс бўлган беморларда микробиологик текширув ўтказиш касалликни қўзғатувчисини аниқланган ҳолда рационал антибиотикотерапияни ўтказиш имкониятини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: паратонзилляр абсцесс бўлган беморларни ташхислашда комплекс ёндашув беморларда ўрта ҳисобда 227000 сўм иқтисод қилиш имкони берди, агар 1 йилда ўртача 70 нафар бемор ушбу касаллик билан мурожаат қилишини инобатга олсак, умумий йиллик 15890000 сўм иқтисод қилиш имконини беради. Хулоса: паратонзилляр абсцесс бўлган беморларда аероб микрофлоранинг мавжудлиги ҳамда анаероб микрофлоранинг қўшилиши касаллик кечимини оғирлаштиради, шу сабабли антибиотикка сезувчанликни инобатга олган ҳолда даволаш усуллари танлаш лозим.

учинчи илмий янгилик: паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда қондаги эндотоксикоз даражаси интоксикациянинг лейкоцитар индексининг ортиши, ўрта молекуляр пептидлар ҳамда малон диальдегиди ва диен конъюгатлари каби липопероксидация маҳсулотлари концентрациясининг ошиши, каталаза ва супероксиддисмутаза антиоксидант тизими ферментлари фаоллигининг пасайиши ( $p > 0,01$ ) билан тавсифланиши исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралдаги б1-14/у-сон билан тасдиқланган “Паратонзилляр абсцессни даволашда сорбцион ва антиоксидант терапия” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош бўйин касалликлари илмий амалий тиббиёт марказининг 28 мартдаги 28-сонли буйруғи ва Андижон шаҳар “Холис” хусусий тиббиёт марказининг 2025 йил 27 мартдаги 105-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 25-мартдаги 54-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15-августдаги 23/06-сонли хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: Паратонзилляр абсцесс билан хаста беморларда эндоген интоксикация маркерлари даражасини ортиши (ЛИИ –4,3 марта; ЎММ –2,6 марта), липопероксидатсия маҳсулотларининг ортиқча тўпланиши (МДА – 2,6 марта; ДК – 2,1 марта) билан организмда антиоксидант химоя тизими яллиғланиш ривожланиши, организмнинг детоксикацион ва антиоксидант фаолияти сусайиши (каталаза – 1,8 марта, супероксиддисмутаза 2,2 марта) билан ифодаланади, бу ўз навбатида эндотоксикоз ривожланиши хавфини янада кучайтиради. Бу эса беморларнинг хавфсизлигини таъминлайди, организмдаги эндоген интоксикацияни белгиловчи кўрсаткичларни аниқлаш орқали организмда келиб чиқадиган асоратлар олди олинади ва узоқ муддатли даволашга бўлган эҳтиёжни қисқартиради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: функционал натижаларнинг эрта аниқланиши реабилитация муддати ва шиддатини камайтиради. Шунинг ҳисобига, реабилитация билан боғлиқ хизматлар ва дори-дармон сарфи бир беморда ўртача 500000 сўмгача қисқаради. Бу нафақат тўғридан-тўғри харажатларни камайтиради, балки беморларнинг иқтисодий йўқотишларини (ишдан қолиш вақти, транспорт,

парвариш харажатлари) ҳам қисқартиради. Агар паратонзилляр абсцесс билан касалланган беморларда қондаги эндоген интоксикацияни эрта аниқласак, ва бунинг оқибатида келиб чиқадиган паренхиматоз органларнинг етишмовчилиги ҳам олди олинади. Йилига камида 60 нафар беморда жорий этилса, муассаса даражасида йиллик умумий иқтисодий самара 3000000 сўм атрофида шаклланади. Хулоса: қондаги эндоген интоксикация ва липопероксидация, антиоксидант тизим кўрсаткичларини аниқлаш орқали эндотоксикоз оқибатида келиб чиқадиган асоратларни бартараф этиш ва реабилитация бўйича харажатларни қисқартиради.

тўртинчи илмий янгилик: паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларни комплекс даволашда антиоксидант фаолликка эга дори воситалари ва энтеросорбентни қўллаш қоннинг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрланиши тезлашишига олиб келгани ҳолда клиник жиҳатдан тезроқ соғайишга ҳамда даволаш самарадорлигини 20,5% оширишга имкон бериши исботланганлиги Андижон давлат тиббиёт институти эксперт кенгаши томонидан 2025 йил 25 февралдаги 61-14/и-сон билан тасдиқланган “Паратонзилляр абсцессни даволашда сорбцион ва антиоксидант терапия” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган натижалар Республика ихтисослаштирилган оториноларингология ва бош бўйин касалликлари илмий амалий тиббиёт марказининг 28 мартдаги 28-сонли буйруғи ва Андижон шаҳар “Холис” хусусий тиббиёт марказининг 2025 йил 27 мартдаги 105-сон ва Фарғона вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг 2025 йил 25-мартдаги 54-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 15-августдаги 23/06-сонли хулосаси). Илмий янгилик натижаларининг ижтимоий самарадорлиги: Паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларни комплекс даволашда антиоксидант терапия ва маҳаллий сорбцион санация билан бирга энтерал сорбцияни қўллаш клиник жиҳатдан тезроқ соғайишга, шунингдек, қоннинг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг меъёрлаши тезлашишига олиб келади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: анъанавий усулда даволаниш ўртача 9-10 кун ташкил этса, биз ишлаб чиққан комплекс давода эса 6 ва 7 кунни ташкил этди. Хар бир бемор учун ўртача ўрин куни ва даволаш харажатлари 2855540 сўмни ташкил этса, ишлаб чиқилган комплекс даво ва ўрин куни қисқаришини ҳисобга олиб 1280350 сўмни ташкил қилади. Яъни бир бемор ҳисобида 1575190 сўмгача харажатлар қисқариши мумкин. Бир йилда ўртача 70 та бемор даволанишини олсак, умумий иқтисодий самарадорлик бир муассаса учун 110263300 сўмни ташкил этади. Шунингдек, паратонзилляр абсцесс билан касалланган беморлар асосида беморларда шифохонада бўлиш муддати ўртача 6 кунни, анъанавий даво усулда эса 9-10 кундан ортиқни ташкил этади. Бир бемор учун шифохона харажатлари аниқ ҳисоб-китобларга кўра ўртача 1575190 сўмгача иқтисод қилиниши мумкин. Хулоса: паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларни комплекс даволашда антиоксидант фаолликка эга дори воситалари ва энтеросорбентни қўллаш клиник жиҳатдан тезроқ соғайишга,

шунингдек, қоннинг иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларининг нормаллашиши тезлашишига олиб келади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш қисмида** илмий-тадқиқот ишининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатилган, илмий ва амалий аҳамияти келтирилган, иш натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **«Паратонзилляр абсцессни этиопатогенези, диагностикаси ва даволашга замонавий ёндашувлар (адабиётлар шархи)»** деб номланган биринчи боби 4 та кичик бобдан ташкил топган. Ушбу бобда маҳаллий ва хорижий манбалар асосида паратонзилляр абсцесс муаммосининг ҳозирги ҳолати таҳлил қилинган, эндоген интоксикация ва липопероксидация синдромининг тарқалиши ва эпидемиологияси, патогенези, ташхиси ҳамда паратонзилляр абсцессни самарали даволаш усуллари кўриб чиқилган.

Диссертациянинг **«Клиник материал тавсифи ва тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи боби 5 та кичик бобдан иборат. Ушбу бобда тадқиқот дизайни, тадқиқотнинг турли босқичларида киритиш/истисно этиш мезонлари, тадқиқот материали ва усуллари баён этилган. Материал сурункали тонзиллит билан касалланган 209 нафар бемордан иборат бўлиб, шифохонага ётқизилган барча 209 нафар бемордан 28 (13,4%) нафарида сурункали тонзиллитнинг оддий шакли, 84 (40,2%) нафарида 1-даражали токсик-аллергик шакли ва 97 (46,4%) нафарида 2-даражали токсик-аллергик шакли ташхисланган.

Беморларнинг аксариятини, яъни 118 (56,4%) нафарини аёллар ташкил этди. Улардан 18-44 ёшдагилар 95 (45,4%) нафарни, 45-59 ёшлилар 16 (7,9%) нафарни, 60 ёш ва ундан катталарни 6 (3,1%) нафар аёллардан иборат бўлди. Жами эркакларни эса 91 (43,6%) нафар беморлар ташкил этди (улардан 18-44 ёшда – 80 (38,2%), 45-59 ёшда – 9 (4,2%), 60-74 ёшда – 3 (1,2%)). Шуни алоҳида

таъкидлаш жоизки, касаллик 83,6 фоиз (175 нафар) меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларда аниқланган.

Барча беморлар комплекс умумклиник ва оториноларингологик текширувдан ўтказиш билан биргаликда ПТАнинг асосий клиник симптомлари, яъни “Томоқда оғриқ”, “Ютиниш қийинлиги”, “Томоқда ёт жисм ҳиссиёти”, “Тризм”, “Оғизда нохуш ҳид”, “Гиперсаливация”, “Бошда ҳаракатни чегараланиши”, “Умумий холсизлик” ва “Тана ҳароратини кўтарилиши” симптомлари оғирлик даражасини баҳолашда ВАШ тестидан фойдаланилган. ВАШ тести бўйича олинган натижалар асосида ПТАнинг оғирлик даражалари (енгил – 0 дан 3 баллгача; ўрта оғирликда – 3,1 дан 6,9 баллгача; оғир – 7 дан 10 баллгача) белгиланган. Шу билан бир қаторда даволаш натижаларини динамик ва қиёсий баҳолаш мақсадида барча беморларда микробиологик, бактериологик, ЭИ (ЛИИ, ЭИИ, ЎМП, ЦИК), ЛПО (МДА ва ДК), организм антиоксидант химоя фаоллиги (каталаза, супероксиддисмутаза) текширувлар ва олинган натижаларнинг статистик таҳлиллари ўтказилган.

Диссертациянинг «**Паратонзилляр абсцесснинг клиник хусусиятларини баҳолаш таҳлили натижалари**» деб номланган учинчи бобида паратонзилляр абсцесснинг учраш частотаси, ривожланиш сабаблари, клиник хусусиятлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра жами 209 нафар беморлардан 165 (78,9%) нафарида паратонзилляр абсцесс аниқланди. Бунда сурункали тонзиллитнинг оддий шаклида 9% (19 нафар), касалликнинг 1-даражали токсик-аллергик шаклида 34% (71 нафар), 2 даражали токсик-аллергик шаклида 35,9% (75 нафар) ҳолларда сурункали тонзиллит ПТА билан асоратланганлиги аниқланган (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Сурункали тонзиллитда ПТАнинг учраш частотаси**

| Сурункали тонзиллитнинг клиник шакли | Паратонзилляр абсцесс |      |
|--------------------------------------|-----------------------|------|
|                                      | abs                   | %    |
| Оддий шакли                          | 19                    | 9,0  |
| Токсик-аллергик шакли 1-даражаси     | 71                    | 34,0 |
| Токсик-аллергик шакли 2-даражаси     | 75                    | 35,9 |
| Жами:                                | 165                   | 78,9 |


ПТАнинг ривожланиш сабаблари ҳам таҳлиliga кўра сурункали тонзиллит фониди 150 (90,9%) нафар беморда, одонтоген ривожланган абсцесс 7 (4,2%) нафарда, 5 (3,1%) нафарида бодомсимон безга ёт жисмнинг (балиқ суяги) санчилиши ва гематоген сабабли 3 (1,8%) нафар беморларда ПТА келиб чиққанлиги аниқланган.

Сурункали тонзиллит билан оғриган барча 209 нафар беморларда ПТАнинг клиник хусусиятларини батафсил ўрганиш мақсадида биз қиёсий таҳлил учун барча беморларни 2 та тадқиқот гуруҳига ажратилган: 1-гуруҳни

ПТА билан асоратланган СТнинг оддий ва 1-даражали ТАШ билан оғриган 90 (54,5%) нафар, СТнинг 2-даражадаги ТАШ фониди ПТА билан оғриган 75 (45,2%) нафар беморлар ташкил этган.

Паратонзилляр абсцесс билан касалланиш турли ёш гуруҳларида бир хил эмаслиги ва меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар касалланишини 138 нафар беморларда (83,6%) аниқланган, бу эса паратонзилляр абсцессни муаммоси нафақат тиббий, балки ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳам таъкидлайди.

Бодомсимон безларнинг паратонзилляр абсцесс билан зарарланиш томонига кўра таҳлил қилинганда, 1-гуруҳ беморларнинг 47 (52%) нафарида ўнг томонлама, 41 (46%) нафарида чап томонлама, 2 (2%) нафарида эса икки томонлама патологик жараён бўлганлиги аниқланган. 2-гуруҳнинг 35 (46%) нафарида ўнг томонлама, 38 (51%) нафарида чап томонлама ва 2 (3%) нафарида икки томонлама паратонзилляр абсцесс кечаётганлиги аниқланган. Шу билан бирга мурожаат қилган беморлар орасида асосан супратонзилляр ва орқа паратонзилляр абсцесс устунлик қилиши (1-гуруҳда 58 (65%) нафар; 2-гуруҳда 55 (73%) нафар) тасдиқланган.



**1-расм. Паратонзилляр абсцессни локализацияси бўйича учраш частотаси.**

Касалликнинг ривожланишига сабаб бўлувчи этиологик омиллар тадқиқот гуруҳлари кесимида таҳлил қилинганда, 1 гуруҳ беморларнинг 4 (2,4%) нафарида одонтоген, 81 (49,1%) нафарида тонзиллоген, 3 (1,8%) нафарида травматик, 2 (1,2%) нафарида касалликнинг гематоген омиллар сабабли ПТА ривожланганлиги аниқланган бўлса, 2 гуруҳ беморларнинг 3 (1,8%) нафарида одонтоген, 69 (41,5%) нафарида тонзиллоген, 2 (91,2%) нафарида травматик, 1 (0,6%) нафарида касаллик гематоген омиллар сабабли ривожланганлиги аниқланган.


Тадқиқот гуруҳларида ангинанинг учраш частотаси таҳлил қилинганда 1-гуруҳ беморларнинг 31 (34,4%) нафарида, 2-гуруҳ беморларнинг 26 (34,6%) нафарида ангианалар йилига 2 ва ундан ортиқ марта кузатилган. Паратонзилляр абсцесс бўйича аҳолининг энг кўп мурожаати касаллик пайдо бўлган пайдан

бошлаб 3- ва 4-кунларга тўғри келган, яъни беморларнинг деярли ярми кечиккан муддатларда касалликни оғирлашган даврида шифохонага мурожаат қилишган.

Паратонзилляр абсцессни танглай муртагининг гипертрофияси билан бирга кечиши ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги таҳлил қилинганда 1-гуруҳ беморларнинг 18 (20%) нафарида ва 2-гуруҳ беморларнинг 16 (21,3%) нафарида 3 даражадаги танглай муртаклари гипертрофияси билан бирга кечганлиги аниқланган. Паратонзилляр абсцесснинг қайталаниши 1-гуруҳ беморларнинг 20 (12,1%) нафарида ва 2-гуруҳ беморларнинг 16 (9,7%) нафарида қайд қилинган. Шу билан бирга 1-гуруҳ беморларнинг 20 (22,2%) нафарида, 2-гуруҳда эса 29 (38,7%) нафарида ҳамроҳ касалликлар аниқланган.

Фарингоскопия текширувида беморларнинг кўпчилигида, яъни 1-гуруҳ беморларнинг 81% (73 нафарида), 2-гуруҳ беморларнинг эса 67% (50 нафарида) танглай равоқлари ассиметрияси, тилчанинг реактив шиши (1-гуруҳ беморларнинг 37 (41%) нафарида, 2-гуруҳ беморларнинг эса 32 (42%) нафарида) ва халқум орқа деворининг қизариши (1-гуруҳ беморларнинг 37 (41%) нафарида, 2 гуруҳ беморларнинг эса 39 (52%) нафарида) аниқланган.

Тадқиқот гуруҳларидаги барча беморларда абсцесс бўшлиғидан олинган патологик ажралма бактериологик текшируви натижасида 1-гуруҳ беморларнинг 76 (84,1%) нафарида ва 2-гуруҳ беморларнинг 66 (87,6%) нафарида турли хил микрофлора, иккала тадқиқот гуруҳида ҳам *S. pyogenes* ва *S. viridans* ассоциацияси (мос равишда 21,1%/16%) устунлик қилганлиги аниқланган. Тадқиқот давомида иккала гуруҳдаги беморларда абсцесс бўшлиғидан олинган патологик ажралмада микрофлоранинг сифатий таркиби ўрганилганда этиологик жиҳатдан *Streptococcus viridans* ва стафилококklar туркуми (айниқса *S. Epidermidis* ва *S. Aureus*) устувор микрофлора сифатида аниқланган (2-расм).



**2-расм. Тадқиқот гуруҳларида микрофлоранинг сифатий таркиби.**

Кейинги босқичда микрофлоранинг антибиотикларга сезувчанлиги текширилган. Олинган маълумотларга кўра, А гуруҳига мансуб бета-гемолитик стрептококklar (*Streptococcus pyogenes*) кўпчилик антибиотик гуруҳларига нисбатан юқори даражада сезгирлиги, айрим макролид

препаратларига нисбатан сезгирликнинг маълум даражада пасайиши аниқланган (эритромицинга нисбатан сезгирлик 2-гуруҳда – 91%, азитромицинга нисбатан эса – 92%).

Тадқиқот доирасида паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда эндоген интоксикация кўрсаткичлари шифохонага ётқизилган вақтда ва даволаш жараёнининг турли босқичларида ўрганилган. Тадқиқот гуруҳларидаги беморларда шифохонага ётган кунда тонзиллоген генезли интоксикация ўрта ва оғир даражада ривожланганлиги (ЛИИ – 1-гуруҳда  $6,72 \pm 0,71$  ш.б.гача, 2-гуруҳда  $6,86 \pm 0,74$  ш.б.гача; ЭИИ – 1-гуруҳда  $7,54 \pm 0,92$  ш.б.гача, 2-гуруҳда  $6,78 \pm 0,81$  ш.б.гача камайган; ЎМП – 1-гуруҳда  $0,578 \pm 0,078$  ш.б.гача, 2-гуруҳда  $0,597 \pm 0,066$  ш.б.гача кўтарилган; ЦИК – 1-гуруҳда  $9,54 \pm 0,56$  ш.б.гача, 2-гуруҳда эса  $9,92 \pm 0,64$  ш.б.гача кўтарилган) аниқланган.

Тадқиқот гуруҳларидаги беморлар шифохонага ётган кунда организмда липопероксидация ва антиоксидант тизим фаоллиги ҳам баҳоланди. Олинган натижаларга кўра беморлар шифохонага ётган кунда МДА даражаси 1-гуруҳда  $17,68 \pm 0,54$  мкмоль/л., 2-гуруҳда  $18,92 \pm 0,77$  мкмоль/л.гача юқорилаганлиги ва шу билан бирга мос равишда ДКлар миқдори ҳам кўтарилганлиги (1-гуруҳда -  $4,95 \pm 0,22$  мкмоль/л., 2-гуруҳда -  $4,97 \pm 0,19$  мкмоль/л.), шу билан бирга антиоксидант тизим (АОТ) ферментлари – каталаза (КАТ) ва супероксиддисмутаза (СОД) фаоллиги назорат гуруҳига нисбатан мос равишда 1,33 ва 1,0 баробар юқорилаганлиги аниқланган. Шундай қилиб, паратонзилляр абсцесс бўлган беморларда комплекс текширув натижалари таҳлили ушбу беморларни даволашда сорбцион детоксикация ва антиоксидант терапияга эҳтиёж борлиги патогенетик жиҳатдан исботланган.

Диссертациянинг «**Паратонзилляр абсцессни комплекс даволаш ва унинг самарадорлигини қиёсий баҳолаш**» деб номланган тўртинчи боби ушбу тоифадаги беморларни комплекс даволаш натижаларини қиёсий таҳлиliga бағишланган.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида ПТА билан ҳаста барча 165 нафар беморлар даволаш самарадорлигини қиёсий баҳолаш мақсадида 2 та гуруҳга ажратилган. 1-гуруҳни анъанавий даволаш муолажалари ўтказилган 90 (54,5%) нафар, 2-гуруҳни анъанавий даво билан биргаликда сорбцион-антиоксидант терапия (“Паратонзилляр абсцессни даволашда сорбцион ва антиоксидант терапия”, гувоҳнома №DGU 51859, 21.05.2025 й.) ўтказилган 75 (45,5%) нафар беморлар ташкил этган. Беморларнинг умумий ҳолати, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари, эндоген интоксикация ва липопероксидация кўрсаткичлари динамикада баҳоланган ва олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинган.

**Клиник симптомлар динамикаси таҳлили.** Барча беморларда ПТАнинг асосий клиник белгиларини учраш частотаси ва намоён бўлиш даражаси баҳоланган. Сорбцион-антиоксидант терапия билан бирга ўтказилган комплекс даволаш муолажалари фонида даволашнинг 3-кунда анъанавий давога нисбатан ишончли клиник самара кузатилган. Жумладан, “Томоқда оғриқ” симптоми 2-гуруҳ беморларда дастлабки кўрсаткичга нисбатан

ишончли камайиши (26,7% га) билан бирга 1-гурухга нисбатан 8,9% га кам беморларда аниқланди. Ҳудди шундай ижобий натижалар бошқа клиник симптомлар кесимида ҳам аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал.

**Тадқиқот гуруҳларида клиник симптомлар намоён бўлиши динамикаси (3-кун)**

| Клиник симптомлар           | Гуруҳлар       |      |                |      | % / (P <sup>1</sup> )*  | % / (P <sup>2</sup> )*  | % / (P <sup>1-2</sup> ) <sup>□</sup> |
|-----------------------------|----------------|------|----------------|------|-------------------------|-------------------------|--------------------------------------|
|                             | 1-гурух (n=90) |      | 2-гурух (n=75) |      |                         |                         |                                      |
|                             | abs            | %    | abs            | %    |                         |                         |                                      |
| Томоқда оғриқ               | 74             | 82,2 | 55             | 73,3 | 17,8 / p>0,05           | <b>26,7 / p&lt;0,05</b> | 8,9 / p>0,05                         |
| Томоқда “ёт жисм” хиссиёти  | 70             | 77,8 | 46             | 61,3 | 8,9 / p>0,05            | <b>32,0 / p&lt;0,05</b> | 16,5 / p>0,05                        |
| Тризм                       | 70             | 77,8 | 47             | 62,6 | 11,1 / p>0,05           | <b>29,4 / p&lt;0,05</b> | 15,2 / p>0,05                        |
| Оғизда нохуш хид            | 45             | 50,0 | 27             | 36,0 | 4,4 / p>0,05            | <b>21,3 / p&lt;0,05</b> | 14,0 / p>0,05                        |
| Ютиниш қийинлиги            | 73             | 81,1 | 40             | 53,3 | 18,9 / p>0,05           | <b>46,7 / p&lt;0,05</b> | <b>27,8 / p&lt;0,05</b> <sup>□</sup> |
| Гиперсаливация              | 69             | 76,7 | 43             | 57,3 | 14,4 / p>0,05           | <b>36,0 / p&lt;0,05</b> | 19,4 / p>0,05                        |
| Бош ҳаракатини чегараланиши | 47             | 52,2 | 25             | 33,3 | <b>23,4 / p&lt;0,05</b> | 18,7 / p>0,05           | 18,9 / p>0,05                        |
| Умумий ҳолсизлик            | 70             | 77,8 | 51             | 68,0 | <b>20,0 / p&lt;0,05</b> | <b>29,3 / p&lt;0,05</b> | 9,8 / p>0,05                         |
| Тана ҳароратини кўтарилиши  | 45             | 50,0 | 33             | 44,0 | <b>33,3 / p&lt;0,05</b> | <b>52,0 / p&lt;0,05</b> | 6,0 / p>0,05                         |

Изоҳ:

\* – Фарқлар келган кундаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли (p<0,05);

□ – Фарқлар 1-гурухдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли (p<0,05).

Шундай қилиб, паратонзилляр абсцесс бўлган беморларда комплекс даволашда сорбцион (махаллий сорбцион санация ва энтеросорбция) ва антиоксидант терапияни қўллаш паратонзилляр абсцесс билан оғриган беморларда клиник симптомларни бартараф этишда анъанавий давога нисбатан юқори ва ишончли ижобий самарадорликка эга эканлиги қайд этилган.

**Эндоген интоксикация кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили.** Барча беморларда клиник симптомларни баҳолаш билан биргаликда эндоген интоксикация кўрсаткичлари ҳам баҳоланди ва олинган натижалар таҳлил қилинди. Сорбцион-антиоксидант терапия билан комплекс даволаш таъсири остида даволанишнинг 3-кунида лейкоцитлар сони 2-гурух беморларда 42,4% (8,76±0,57 x10<sup>9</sup>/л.) га камайди (p<0,05). Бу қабул вақтидан 1,7 баравар кам

бўлиб ( $p < 0,05$ ) анъанавий даволаш ўтказилган 1-гуруҳга нисбатан 1,3 баробарга ( $11,4 \pm 0,54 \times 10^9/\text{л}$ ) ишончли кам миқдорни ташкил этди (3-жадвал).

3- жадвал.

**Тадқиқот гуруҳларида эндоген интоксикация кўрсаткичлари динамикаси**

| Тадқиқот гуруҳлари                                     | Тадқиқот муддати |              |               |
|--|------------------|--------------|---------------|
|  | Келганда         | 3-кун        | 5-кун         |
| <b>Лейкоцитлар (<math>\times 10^9/\text{л}</math>)</b> |                  |              |               |
| 1-гуруҳ (n=90)   | 14,5±2,7         | 11,4±0,54    | 9,42±0,51*    |
| 2-гуруҳ (n=75)   | 15,2±2,6         | 8,76±0,57*□  | 6,13±0,22*□   |
| <b>ЛИИ (ш.б.)</b>                                      |                  |              |               |
| 1-гуруҳ (n=90)   | 6,72±0,71        | 5,67±0,52    | 2,25±0,35*    |
| 2-гуруҳ (n=75)   | 6,86±0,74        | 3,42±0,43*□  | 1,04±0,15*□   |
| <b>ЭИИ (ш.б.)</b>                                      |                  |              |               |
| 1-гуруҳ (n=90)   | 7,54±0,92        | 9,48±0,56    | 10,47±0,33*   |
| 2-гуруҳ (n=75)   | 6,78±0,81        | 9,95±0,36*   | 11,59±0,21*□  |
| <b>ЎМП (ш.б.)</b>                                      |                  |              |               |
| 1-гуруҳ (n=90)   | 0,578±0,078      | 0,428±0,041  | 0,298±0,025*  |
| 2-гуруҳ (n=75)   | 0,597±0,066      | 0,337±0,012* | 0,236±0,008*□ |
| <b>ЦИК (ш.б.)</b>                                      |                  |              |               |
| 1-гуруҳ (n=90)   | 9,54±0,56        | 7,92±0,35    | 5,87±0,27*    |
| 2-гуруҳ (n=75)   | 9,92±0,64        | 6,27±0,28*   | 4,12±0,11*□   |

Изоҳ:

\* – Фарқлар келган кундаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли ( $p < 0,05$ );

□ – Фарқлар 1-гуруҳдаги кўрсаткичларга нисбатан ишончли ( $p < 0,05$ ).

Комплекс даволашнинг 5-кунида 2-гуруҳ беморларда ЛИИ даражаси нормал кўрсаткичга етди  $1,04 \pm 0,15$  ш.б., бу муддатда эса 1-гуруҳ беморларда ЛИИ миқдори меъерий кўрсаткичлардан юқориликча сақланиб қолди –  $2,25 \pm 0,35$  ш.б. ЭИИ даволанишнинг 5-кунида 2-гуруҳда барқарор равишда нормал ҳолатга қайтди –  $11,59 \pm 0,21$  ш.б. 2-гуруҳда ЎМП даражасининг ишончли даражада 43,5% га ( $0,337 \pm 0,012$  ш.б.) пасайиши комплекс терапиянинг 3-кунида кузатилди, 1-гуруҳда эса бундай натижа ПТА билан оғриган беморларни шифоҳонадан чиқарув кунида қайд этилди. ЦИКнинг ишончли даражада пасайиши даволанишнинг 3-кунида қайд этилди, бунда ЦИК даражаси  $6,27 \pm 0,28$  ш.б.гача пасайиб, беморлар шифоҳонага ётган вақтига нисбатан 36,8% паст кўрсаткичга эришилди ( $p < 0,05$ ). Даволаш даврининг 5-кунида бу фарқ 58,5% ( $4,12 \pm 0,11$  ш.б.) ни, 1-гуруҳ беморларга ( $5,87 \pm 0,27$  ш.б.) нисбатан эса 29,8% ташкил қилди.

**Липопероксидация ва антиоксидант ҳимоя фаоллиги кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили.** Комплекс сорбцион-антиоксидант терапия таъсири остида 2-гуруҳ беморларда МДА даражаси даволаниш даврининг 3-кунида 39,9% ( $11,37 \pm 0,41$  мкмоль/л.)га ишончли камайди ва бу натижа 1-гуруҳдаги беморларда олинган натижага нисбатан 22,1% ( $14,53 \pm 0,56$

мкмоль/л.) га ижобий самарани кўрсатди ( $p < 0,05$ ). Даволашнинг 5-кунида эса гуруҳлар орасидаги ушбу ижобий ишончли фарқ 26,9% ни ташкил қилди. Бундай ижобий натижалар диен конъюгатлар (ДК) концентрацияси динамикасида ҳам қайд этилди: даволашнинг 3-кунида ушбу кўрсаткич фарқи мос равишда 18,9%ни, 5-кунида эса 4,8% ни ташкил этди (4-жадвал).

4-жадвал.

**Тадқиқот гуруҳларида липопероксидация ва антиоксидант тизим фаоллиги кўрсаткичлари динамикаси**

| Тадқиқот гуруҳлари                          | Тадқиқот муддати |             |              |
|---|------------------|-------------|--------------|
|   | Келганда         | 3-кун       | 5-кун        |
| <b>МДА (мкмоль/л)</b>                       |                  |             |              |
| 1-гуруҳ (n=90)                              | 17,68±0,54       | 14,53±0,56  | 9,71±0,47*   |
| 2-гуруҳ (n=75)                              | 18,92±0,77       | 11,37±0,41* | 5,29±0,31*□  |
